

И.И.Алимов,
иқтисод фанлари номзоди, катта ўқитувчи

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИНИ БОШҚАРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги даврда давлат ташқи қарзи муаммоси иқтисодчи олимларнинг, балки дунёдаги нафақат қашшоқ ёки ривожланаётган мамлакатларнинг, балки иқтисодиёти тараққий топган мамлакатлар ҳукуматларининг ҳам асосий диққат - эътиборига тушган умумиқтисодий ҳолат ҳисобланади. Айниқса, ушбу муаммо ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этишда жиддий тус олмоқда. Ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда давлат бюджетини бошқаришда давлат ташқи қарзи ва уни бошқариш масаласи жуда муҳим аҳамият касб этади.

Давлат қарзи шаклланиши ва уни бошқариш жараёнини ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган, давлатлар ўртасида ва хўжалик субъектлари ўртасида жойлаштириладиган моддий, молиявий ҳамда интеллектуал ресурсларни тақсимлаш, алмаштириш ва истеъмоли борасида юзага келадиган жуда мураккаб иқтисодий муносабатлар йиғиндиси сифатида кўриб чиқиш мумкин. Ташқи иқтисодий муносабатлар тоифаларининг тегишли ва аҳамиятли тавсифларини билиш ва ўрганиш ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солувчи қонуний ҳуқуқий асосни ихтисослаштириш имконини беради ва шу орқали давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини оптималлаштириш имкони туғилади.

Давлат қарздорлиги ўз моҳиятига асосан икки гуруҳга ажратилади: ички ва ташқи қарз. Давлат ташқи қарзи – бу муайян бир давлатнинг бошқа хорижий давлатлар ҳукуматлари, халқаро молия институтлари (Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки) ҳамда дунёдаги йирик тижорат банкларидан кредитлар олиниши натижасида юзага келган қарздорликлардир. Ташқи қарзга хизмат кўрсатиш (қайтариш) унинг асосий суммаси (принципиали) ҳамда унга ҳисобланган фоиз суммаларига ажратилади.

Халқаро амалиёт тажрибаси шундан далолат берадики, ҳозир дунёда халқаро молия институтларидан, йирик тижорат банкларидан ва бошқа мамлакат ҳукуматларидан маълум миқдорда ташқи қарз олинган давлат учрамайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда юзага чиққан жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш мақсадида иқтисодиётни тараққий этган давлатлар, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва ҳозирги вақтда Греция, Португалия ва Испания каби кўплаб давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, молия - банк соҳасини сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага катта маблағларни йўналтириш учун улкан ташқи қарзларни олишга мажбур бўлди. Ушбу ҳолат

эса жуда кўплаб мамлакатларда катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги билан бирга давлат ташқи қарзларини келтириб чиқарди. Европа Иттифоқига аъзо ва иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ўзларининг ривожланиш босқичида давлат ташқи қарзи ва давлат бюджети тақчиллиги ўзига хос тажрибага эгадирлар. Айнан, еврохудуд мамлакатларида (еврохудуд мамлакатларига ҳозирда 27 мамлакат киради) Маастрихт шартномасида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар – учун “евро зонаси”да иштирок этишлари учун 1993 йил 2 майдан бошлаб қуйидаги қатъий мезонлар ўрнатилган:

- **давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,0 %дан ортмаслиги лозим. Агарда белгиланган ушбу норматив бузилса, уни бузган давлатга нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланилади;**

- **давлат ташқи қарзи миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60,0 %дан ортмаслиги лозим (ёки ушбу кўрсаткичга барқарор яқинлашиб боришлик мумкин);**

- **инфляция даражаси Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардан энг мўътадил нарх - наво мавжуд бўлган учта мамлакатдаги кўрсаткичдан 1,5 %дан ортмаслиги лозим;**

Дунёнинг ҳар бир олинган мамлакатида давлат ва унинг ваколатли органлари ўзларига юклатилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий функцияларни бажариши учун маълум даромад манбаларига эга бўлиши лозимлиги барчамизга маълум. Ушбу манбаларга солиқлар, турли мажбурий тўловлар ва бошқа солиқсиз даромадлар киради. Худди шу ерда давлат нима сабабдан қарз олади деган саволга жавоб бериш лозим. Давлатнинг қарз олиши биринчидан давлат бюджетида давлат даромадлари ва харажатлари ўртасида мувозанат бўлмаган ҳолатда, яъни тақчиллик юзага чиққанда амалга келиши мумкин. Иккинчидан, мамлакатда кўп йиллик йирик давлат лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Учинчидан, мамлакатдаги фавқулодда вазиятлар (урушлар, табиий офатлар ва бошқалар) натижасида, мавжуд захиралар етишмай қолганда ва алоҳида турдаги манбаларга мурожаат қилишга тўғри келганда пайдо бўлади.

Биз мазкур мақоламизда Ўзбекистонда ташқи қарзни пайдо бўлишининг сабаблари ва уни бошқаришни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимизда давлат бюджети тақчиллиги собиқ иттифокдан мерос бўлиб ўтди. Чунки республикаимиз давлат бюджети даромадларининг асосий қисми ўша давр талабига мос ўрнатилган тартибда собиқ иттифок бюджетидан ажратиладиган дотациялар ва субвенциялар ҳисобига ташкил топар эди. 1990 йилда республикаимиз давлат бюджети даромадларининг 40,0 фоизига яқини айнан субвенциялар ва дотациялар ташкил этган. Лекин, 1990-1991 йилларда рўй берган сиёсий ўзгаришлар ва мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил топиши натижасида ушбу ажратмаларнинг келиши тўхтаб бошлади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақиллигини эълон қилгандан сўнг, ажратмалар келиши бутунлай тўхтади ва бунинг натижасида мамлакатимизда молиявий инқироз юзага келди. Худди шу даврда мамлакатимизда бир вақтда икки ғоятда мураккаб масалани ҳал этиш - бир

томондан, бозор иқтисодиётига ўтишда чуқур ислохотлар ўтказиш, иккинчи томондан, иқтисодиётни барқарорлаштириш, халқ фаровонлигининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик керак эди. Энг асосийси ўша даврдаги иқтисодиётимизнинг энг заиф томони – тайёр маҳсулотларнинг айниқса, ғалланинг етишмаслиги муаммоси кўндаланг турар эди. **“Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизда зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинардди. Мана, биргина мисол. Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40-50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди. Иттифоқ парчаланиб кетганлигидан кейин бизлар йиллик эҳтиёжимизга етарли 6 миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишини, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон - саргардон бўлдик”**¹ Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ўша ўта мураккаб даврда мамлакатимиздаги молия - кредит сиёсатини назоратда сақлаб туриш учун ташқи қарз сув ва ҳаводек зарур эди.

Иқтисодий ислохотларнинг “ўзбек модели”нинг яна бир аҳамиятга эга томони шундан иборатки, унда жуда пухта ва оқилона ўйланган ташқи давлат қарзи сиёсатидир. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, узоқни кўзлаб пухта ишлаб чиқилган хориж мамлакатлар ҳукуматларидан ва халқаро молия институтларидан қарз олиш ва уларни жорий истеъмол билан узвий боғлиқликда иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтириш сиёсати олиб борилди. **“Ўзбекистон раҳбарияти олдида турган энг катта вазифалардан бири нефт ва ғалла мустақиллигига эришиш эди. Бу вазифага кўп жиҳатдан мамлакатнинг сиёсий мустақиллиги ҳам боғлиқ бўлиб қолган эди. Биргина 1994 йилнинг ўзида чет мамлакатлардан 674 миллион АҚШ доллариға тенг нефть маҳсулотлари ва 430 миллион долларлик ғалла сотиб олинди. Бу эса умумий импорт ҳажмининг мос равишда 25 ва 16 фоизини ташкил этарди”**². Худди ушбу омилни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда нефть ва ғалла билан таъминлашига қаратилган сиёсат жадал суръатлар билан амалга оширила бошланди. Бунинг натижасида мамлакатимиз 1996 йилда тўлиқ энергетик мустақилликка ва кейинроқ ғалла мустақиллигига эришди. Бу эса ўз навбатида шу маҳсулотларни четдан келтиришга сарфланадиган валюта маблағларини тежаб қолишга имкон берди. Шу тежаб қолинган валюта маблағларини ишлаб чиқариш қувватларини қайта жиҳозлашга сарфланганлигига миллий иқтисодиётда тузилмавий ислохотларни анча илгари суриш имконини берди.

Хорижий мамлакатлар ҳукуматлари ва халқаро молия институтларидан олинган кредитлари биринчи навбатда миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги аниқ инвестиция лойиҳаларига йўналтирилди. Булар қаторига нефть ва газ, автомобилсозлик, тўқимачилик, электр техникаси, озиқ-овқат ҳамда саноатнинг бошқа тармоқларини киритиш мумкин. Бугунги кунда Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонаси, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Асакадаги

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон : миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1993.3-б.

² Муллажонов Ф. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. –Т.: Ўзбекистон, 2001. 69- б.

автомобилсозлик заводи ва бошқалар ҳақли равишда миллий иқтисодиётимизнинг байроқдорлари ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимизда хориждан жалб қилинган валюта маблағлари фақатгина жорий истеъмол учун эмас, балки, янги қўшимча қийматини яратиш ҳамда мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришга сарфланиди. **“Шуни айтиш керакки, кўплаб давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги пухта ўйланмаган сиёсати уларнинг иқтисодиётини заиф, ташқи омилларга қарам, хатарли вазиятлар олдида химоясиз ва ночор аҳволга солиб қўйганлигини кўриш, кузатиш қийин эмас. Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилларига доимо амал қилиб келмоқда. Шуни ҳам қайд этишни истардимки, қарзни ўз вақтида қайтара олишга қатъий ишончимиз ва кафолатимиз бўлмаган пайтларда муаъян таклифлардан воз кечган ҳолатларимиз ҳам бўлди”³.**

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз диверсификация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакатимизда кенг кўламда маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасида ташқи қарз сиёсатида кейинги йилларда ижобий жараён кузатилмоқда. Мамлакатимизда пухта ва оқилона ишлаб чиқилган ташқи қарздорлик сиёсати ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Қуйидаги жадвалда келтирамиз.

1 жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2001 -2010 йилларда ташқи савдо
айланмаси ва ташқи қарз динамикаси**

(млн. АҚШ долларида)

Йиллар	Жами ташқи савдо айланиши	Шу жумладан			Ташқи қарз ЯИМга нисбатан
		экспорт	импорт	сальдо	
1	2	3	4	5	6
2001	6307,3	3170,4	3136,9	33,3	56,2
2002	5700,4	2988,4	2712,0	276,4	44,1
2003	6639,2	3725,0	2964,2	760,8	43,7

Манба: Жадвал муаллиф томонидан тайёрланди.

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.:Ўзбекистон 2009. 10-б.

1 жадвал давоми


1	2	3	4	5	6
2004	8669,0	4853,0	6816,0	1037,0	37,3
2005	9500,1	5408,8	4091,3	1317,5	31,3
2006	11171,1	6383,8	4781,3	1608,5	23,1
2007	14227,1	8991,5	5235,6	3755,9	17,0
2008	19077,0	11572,9	7504,1	4068,8	13,3
2009	21209,6	11771,3	9438,3	2333,0	9,5
2010	21842,0	13044,5	8797,9	4246,6	10,0

Юқоридаги жадвал маълумотларининг таҳлили шундан далолат берадики, 2001 йилда республикада ташқи қарз ялпи ички маҳсулотга нисбатан 56,2 %ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2009 йилда 9,5 %ни ташкил этган. **“Дунёда, айниқса ривожланган мамлакатларда давлатнинг ташқи қарзлари кўпайиб бораётгани жиддий хавотир туғдираётган бир пайтда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмайди, давлат бюджети эса сўнгги беш йилда профицит билан бажарилмоқда”⁴.** Биз қуйидаги диаграммада Ўзбекистон Республикасида ташқи қарзни ялпи ички маҳсулотга нисбатини келтирамиз.

1 диаграмма

Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзини ялпи ички маҳсулотга нисбатан динамикаси

(фоизларда)



Манба: Диаграмма муаллиф томонидан тайёрланди.

⁴ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: “Ўзбекистон” 2010. 5 бет

Мамлакатимизда пухта ўйланган бюджет - солиқ сиёсатини изчил олиб бориш туфайли кейинги йилларда давлат бюджети кўзда тутилган тақчиллик ўрнига профицит билан ижро этиб келинмоқда. Бу ижобий натижаларга эришилганлигининг қуйидаги асосий омиллари мавжуд:

1. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозишароитида молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш зарурияти. Давлат бюджети маблағларини мақсадли тақсимлашнинг доимий молиявий назорати, бюджетдан маблағ олувчиларни мажбуриятларини самарали бошқариш муаммолари, ўз навбатида бюджет ғазна ижросини самарали юритишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети ғазна ижросини амалиётга татбиқ этишни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги **“Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилни асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”**ги ПҚ 244 - сонли Қарорига асосан республикаимизда 2006 йилда Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизими жорий этилди.

2. Мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларини, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан муносабатларини тартибга солишнинг зарурати.

Мамлакатимизда мавжуд солиқ тизимини бошқаришни ислоҳ қилишда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ва 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган **“Ўзбекистон Республикасининг солиқ Кодекси”** муҳим аҳамият касб этади. Халқаро амалиёт тажрибасини ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ҳар томонлама ўрганиш асосида тайёрланган янги таҳрирдаги солиқ кодексида кўзда тутилган меъёр ва қоидалар, аввало, солиқ тизими ва солиқ муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз миллий иқтисодиётини барқарор ва муносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Биз қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005-2010 йиллардаги ижро даражасини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Ўзбекстон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси

№	Йиллар Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009	2010
1.	Бюджет тақчиллиги	-	-	-	-	-	-
2.	Бюджет профецити	0.1	0.5	1.1	1.5	0.2	0.3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган омиллар мамлакатимизда пухта ва қатъий бюджет-солиқ ҳамда ташқи қарз сиёсатини олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёни, товарлар ва хизматлар савдосидан капитал савдосини ривожланиб кетиши, ҳамда 2008 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари жаҳон мамлакатларини ташқи ва ички қарзларини тартибга солиш, ликвидлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишга мажбур қилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат қарзи ички ва ташқи ўзлаштириш тизими сифатида ўзида тизимли эволюцион ёндашув методикасидан фойдаланиш имкониятини тахмин этади. Ушбу ёндашувнинг асосий ғояси бўлиб, қуйидаги ғоя ҳисобланади: ўзлаштириш жараёни – бу ўзининг шахсий ва муҳим ҳаракатини амалга оширувчи, шаклланиш механизмини ташкил этувчи бутун бир тизимдир.

Давлат қарзини бошқаришда асосий усул давлатнинг қарз олишини оптималлаштириш ҳисобланади. Халқаро амалиётда ушбу усул “тартибга солиб туриш” усулидан кенгроқ бўлиб, унда давлат томонидан ички ва ташқи қарз олишда оқилона уйғунлаштириш дастури асосида амалга оширилади. Ушбу дастур таркибида тартиблаштирилаётган валюта, сузувчи валюта курслари стабиллиги, инвестицион портфелларни бошқариш назариясини, олдиндан кўзда тутилган тартиб - қоидалар моделини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Юқоридаги ёндашувларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда давлат қарзига таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олмайди, бироқ уларнинг жамланган ҳоли ташқи ўзлаштириш сиёсатининг мумкин бўлган йўналишлари тўғрисида тўлиқ тасаввур уйғотиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида қарз ва ликвидлигини бошқариш бўйича жаҳон мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида мамлакатимизда қарз ва ликвидликни бошқариш мақсадида Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарманинг устав капитали 2007йилда 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2008 йилда 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2010 йилда эса жамғарманинг устав капитали 5,0 миллиард доллардан ортиб кетди. **“Тикланиш ва тараққиёт фондининг таркибий ўзгаришлардаги роли ортиб бораётганини ҳисобга олиб, 2014 йилгача унинг низом жамғармасининг икки баробар, яъни 5 миллиард доллардан 10 миллиард доллarga босқичма - босқич кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди”.**⁵

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим роль ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи

⁵ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз таррақиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 17-б.

навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш бўйича фаолият олиб боради. Ушбу жамғарма мамлакатимизда ташқи қарзлар, асосан узоқ муддатга ва фақатгина иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб қилмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида давлат қарзларини юзага келишида давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсат жуда муҳим ўрин эгаллайди ва бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам давлат қарзларини бошқаришни тўғри йўлга қўйиш, унга таъсир этувчи омилларга ўрганиш энг муҳим тараққиёт омили бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳолат эса мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ошишига, дунё мамлакатларининг Ўзбекистонга нисбатан ишончи ортиб боришига олиб келади.